

Тошкент ислом институтига ўқув ишлари бўйича проректор тайинланди



15:00 / 03 октябрь 327

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси буйруғига асосан Тошкент ислом институтига ўқув ишлари бўйича проректор тайинланди.

ТИИ «Қуръони Карим ва тажвид» ўқув курси бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Жаҳонгир Рўзиев Ўктамович проректор сифатида жамоага эълон қилинди.

Йиғилишда ўМИ раиси ўринбосари, ТИИ ректори Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов сўзга чиқиб, Жаҳонгир Убайдуллоҳга масъулиятли вазифадаги фаолиятига муваффақият тилади.

Жаҳонгир Убайдуллоҳ 2005-2009 йиллари «Кўкалдош» ўрта-махсус ислом билим юртида, 2009-2013 йиллари ТИИда, 2018-2020 йиллари Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистратурасида таълим олган.

Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар «Аҳмаджон қори» жомеъ масжиди имом ноиби вазифасида бошлаган. Узоқ йиллардан буён ТИИ «Қуръон илмлари» кафедрасида талабаларга дарс бериб келмоқда. Шу билан бирга қироат илмлари бўйича эркин изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб

бормоқда.

Аллоҳ таоло вазифасига янги тайинланган проректорнинг ишларига хайру барака ато қилсин!